Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 6 (457) 2021 йил 26 январь, сешанба

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

## СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR  t.me/uzbunyodkor  uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

### Шу куннинг гаплари

Пойтахтимизда бунёд этилаётган Seoul Mun мажмуасида лойиҳага кўра, умумий чуқурлиги **4 056** метр бўлган, ҳар бирининг диаметри **650** миллиметрли **338** та қозиқ ўрнатилди. Бетон эритмаси эса **12** метр чуқурликда қуйилади. Маълумот учун, мазкур мажмуа қурилиши ўтган йилнинг кузида бошланиб, биринчи босқичда соҳил тупроғи **505** та темир-бетон қозиқлар билан мустаҳкамланди.

Қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтинги ишлаб чиқилди. Унда қурилиш-пудрат ташкилотларининг салоҳияти **71 та** кўрсаткични қамраб олган **6 та** гуруҳдан иборат мезонлар билан ўлчанади.

Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида лойиҳа қиймати **1,2 млрд доллар** бўлган қуввати **1500 МВт** ИЭС қурила бошлади. Унинг самарадорлиги 60 фоиздан ошади ва йиллик ишлаб чиқариш миқдори 12 млрд кВтни ташкил қилади.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САУДИЯ АРАБИСТОНИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 январь куни Саудия Арабистони Подшоҳлиги инвестициялар вазири Ҳолид ал-Фалиҳ бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон – Саудия кўп қиррали муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Хусусан, пандемияга қарамай, икки мамлакат давлат органлари ва ишбилармонлик доиралари даражасида фаол мулоқот олиб борилмоқда. Инвестициялар вазири делегацияси таркибида Саудия Арабистонининг 30 га яқин етакчи компанияси раҳбарлари Ўзбекистонга ташриф буюргани ҳам шундан далолат беради.

Инвестициялар вазири Ҳолид ал-Фалиҳ Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди, Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон Ол Сауд ва валиаҳд Муҳаммад Ол Сауднинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Вазир Саудия компанияларининг инвестиция лойиҳалари қўллаб-қувватланаётгани ва уларнинг мамлакатимизда самарали фаолият юритиши учун яратилган қулай шароитлар учун самимий миннатдорлик билдирди.

Делегация ташрифи арафасида Бухоро шаҳрида қўшма бизнес-форум муваффақиятли ўтказилиб, Ишбилармонлик кенгашини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди, йирик кооперация лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувлар имзоланди.

24 январь куни Сирдарё вилоятида “ACWA Power” корпорацияси иштирокида қуввати 1200 мегаватт бўлган замонавий иссиқлик электр станциясини қуриш лойиҳасига старт берилди. Бундан ташқари, ушбу компания томонидан Бухоро ва Навоий вилоятларида умумий қиймати 1000 мегаваттли шамол электр станциялари барпо этилади.

Умуман, мамлакатимизда Саудия инвестициялари иштирокидаги қўшма корхона ва лойиҳалар сони кейинги йилларда бир неча баробарга кўпайди.

Музокаралар чоғида амалий ҳамкорликнинг аниқ лойиҳалари муҳокама қилинди.

Энергетика, нефть-газ, газ-кимё ва кимё, саноат, қишлоқ хўжалиги тармоқларида, соғлиқни сақлаш, фармацевтика соҳалари ва бошқа йўналишларда, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик принципларини жорий қилиш асосида янги лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

Қўшма дастур ва лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш воситаларини ривожлантириш, жумладан, Ўзбекистонда инвестиция компаниялари ва микромолиявий ташкилотларни тузиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу ташаббусларни ўрганиш ва илгари суриш мақсадида “Йўл харитаси”ни қабул қилиб, амалга ошириш, ҳукуматлараро комиссия фаолиятини қайта тиклаш, устувор лойиҳалар бўйича ишчи гуруҳларни шакллантиришга келишиб олинди.

**ЎзА.**

# ЛОЙИҲАЛАРНИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 январь куни саноат ва логистика соҳаларига оид инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Улардан бири – Тошкент шаҳрида оқартирилган тунука ишлаб чиқариш лойиҳаси. Бунинг учун 280 миллион евро йўналтирилади. Унинг йиллик қуввати 120 минг тонна бўлиши, 750 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Жиззах вилоятида юқори маркали цемент ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳам истиқболли. Қиймати 2 триллион сўмдан зиёд бўлган ушбу лойиҳа самарасида йилига 1 миллион 300 минг тонна цемент тайёрлаш, шундан 200 минг тоннасини экспорт қилиш қуввати пайдо бўлади.

735 миллиард сўмлик яна бир лойиҳа музлатгич, совутгич ва кондиционерлар учун герметик компрессор ишлаб чиқаришга қаратилган. Унинг йиллик қуввати 3 миллион дона бўлиб, шундан 500 минг донаси экспортга йўналтирилиши, 300 та иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Шунингдек, электрон сув ҳисоблагичлар, темир-бетон ва керамика маҳсулотларига оид лойиҳалар кўрсатилди.

Тошкент шаҳри ва вилоятларда логистика марказлари ташкил этиш лойиҳаларига алоҳида аҳамият қаратилди. Бу марказлар озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат омборларини ўз ичига олади, карго, курьерлик ва электрон тижорат хизматлари кўрсатадиган бўлади. 5 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни сифатли амалга ошириш учун уларни экспертизадан ўтказиш бўйича топшириқ берди. Бу тизимни тармоқлар ва ҳудудлар кесимида ҳам татбиқ этиб, инвестиция лойиҳаларининг тайёрланиши ва бажарилишини баҳолаб бориш, қуйи бўғиндаги мутахассисларга кўмаклашиш зарурлигини таъкидлади.

**ЎзА.**

# Фаровонлик йўлидаги муҳим ташаббус

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси халқпарвар фикрларни мужассам этган муҳим ташаббусдир.**



– Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар негизида халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, қолаверса, Ўзбекистоннинг ҳар жиҳатдан юксалиши, барқарорлигини янада мустаҳкамлашдек улуғвор мақсад мужассам, – дейди “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси раиси маслаҳатчиси Эгамназар Астанов. – Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга қилган Мурожаатномаси юртимиз тараққиётига ҳисса қўшувчи муҳим дастур ва аниқ мақсадли вазифаларни ўзида қамраб олган. Республикамиз сиёсий ҳаётидаги энг муҳим воқеа – Давлат раҳбарининг Мурожаатида 2020 йилдаги асосий кўрсаткичлар, янги йилга мўлжалланган режа, мақсад ва вазифалар эълон қилинди.

Мурожаатномада қурилиш материаллари саноатини изчил ривожлантириш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатбардош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кенг жалб этиш орқали эришилиши айтиб ўтилди. Гарвард университети тадқиқотларига кўра, мамлакатимиз 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликларга эга. Айниқса, нефть-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун барча шароитлар мавжуд.

Ўзбекистон ҳудудида Менделеев жадвалида кўрсатилган кимёвий элементларнинг барчаси учраши эътирофга лойиқ. Буни давлат захирасидаги номаъдан хомашё конларидаги маълумотлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида 1 245 та норуда қазилма бойликлари, қурилиш материаллари хомашё конлари давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, уларнинг 776 таси, яъни 59 фоизидан фойдаланилмоқда. Шу билан биргаликда бугунги кунда аниқланган 519 та конда маҳаллий ва хорижий инвесторлар томонидан замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкониятлари мавжуд. Бу каби қулай шароитлар асосида ҳозирда қурилиш тошлари, қум-шағал аралашмаси, оҳактош, цемент хомашёси, ғишт, графит, минерал бўёқлар, табиий пардозбоп тошлар, гипс ва ангидрид кабилар бўйича қурилиш материаллари захиралари бор.

2-бет

DURABLE GROUP



«DURABLE GROUP» ЯВЛЯЕТСЯ ОДНИМ ИЗ КРУПНЕЙШИХ ХОЛДИНГОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН, И ВКЛЮЧАЕТ В СЕБЯ 6 КРУПНЫХ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ КОМПАНИЙ, ТАКИХ КАК: «DURABLE BETON», «CONSTANT CHEMICALS», «GRAND ROAD TASHKENT», «ALLEGRO», «FLOWERS GARDEN» И «CITYNET».

«Durable Group» специализируется на предоставлении комплексных услуг для строительства:

- производство и поставка высококачественных бетонных смесей и железобетонных изделий;
- производство и поставка строительных материалов, укладка дорог;
- проектирование дорог и дорожных сооружений;
- выращивание и поставка декоративных растений, услуги ландшафтного дизайна.

Способствовать развитию и процветанию Узбекистана, содействовать улучшению жизни населения – цель холдинга «Durable Group».

Адрес: город Ташкент, Шайхантахурский район, улица Кичик халка йули, 2А.

+998 78 777 71 71  t.me/durablegroupuz  instagram.com/durablegroup  facebook.com/durablegroup.co

# Фаровонлик йўлидаги муҳим ташаббус

1-бет

Юртимиз ҳудудида табиий пардозбоп тошларнинг жуда катта захираси мавжудлиги эътиборли. Амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик жараёнларида гранит, мармар каби табиий пардозбоп тошлардан унумли фойдаланилмоқда. Ушбу материаллар айнан юртимиз конларида ишлаб чиқарилмоқда. Мурожаатномада таъкидланганидек, Ғозғон шаҳридаги декоратив тошлар ишлаб чиқариш каби саноат кластерлари ўз самарасини кўрсатиб, шу тизим афзалликларини намоён этди. Бу албатта, эътиборли ҳолат. Негаки, Навоий вилоятининг Ғозғон шаҳрида 2020 йилда табиий пардозбоп тошларни қазиб олиш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш учун "Мармаробод" корхонаси ишга туширилган. Инвестиция сиёсатини юритишда давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш кераклиги айтиб ўтилди. Геология соҳасида 2020 йилда 21 та кон ва истиқболли майдонлар очиқ аукцион орқали инвесторларга сотилди. 2021 йилда яна 50 та кон ва истиқболли майдонлар маҳаллий ва чет эллик инвесторларга очиқ механизмлар асосида сотилади.

Республикамиз бўйича тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ва фармацевтика тармоқларида юзлаб янги ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади. Бугунги кунда Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ифода этилган мақсад ва вазифаларни кенг оммага, айниқса, давлат хизматчилари, улар орқали аҳолининг барча қатламларига етказиш жуда катта аҳамият касб этади. Негаки, ўзининг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланганини тўлақонли англаб етган халқнинг кайфияти, ҳаёт турмуши ҳам ўзгача кўтаринки ижобий тус олади. Шу мақсадда "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмасида Мурожаатноманинг мазмун-моҳиятига бағишланган тадбирда белгилаб берилган вазифалар юзасидан уюшма ходимлари янги режаларни тузиб олишди.

# Тиббиёт объектлари қад кўтармоқда

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.




**Сўнгги йилларда юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги шифохоналар қад ростламоқдаки, бу соҳанинг моддий-техник негизи мустаҳкамланиб бораётганидан далолатдир. Давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йил – «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилингани мазкур йўналишдаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга чорлайди.

– Қурувчилар кейинги пайтда шифокорларнинг ҳақиқий ҳамкорига айланди, – дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдулҳоди Иминов. – Уларнинг меҳнати билан кўплаб шифохоналар мукаммал таъмирланиб, янги даволаш муассасалари бунёд этилмоқда. Улар шинам ва қулайлиги билан ажралиб туради. Боз устига, диагностика ва даволаш ишларида замонавий ускуналардан фойдаланилаётгани хизмат самарадорлигини оширяпти.

Яқинда Поп туманидаги қурилиш бўлими ходимлари билан суҳбатлашдик. Улар чекка қишлоқларда ҳам кенг кўламли ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани, янги бинолар қад кўтараётганини эътироф этишди. Чунки бу эзгу ишларнинг барчаси халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Масалан, яқинда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли шошилинч тиббий ёрдам бўлими фойдаланишга топширилди. Замонавий услубда қурилган бинода бир вақтнинг ўзида 70 нафар бемор даволаниши мумкин. Шифохонада тиббиёт ходимларига қулай шарт-шароитлар яратилган. Мазкур бинони барпо этиш учун давлат бюджетидан 3,3 миллиард сўм маблағ ажратилган.

Тўрақўрғон туманида эса янги "Ҳаёт медикал" хусусий шифохонаси иш бошлади. Уч қаватли замонавий бинодаги хоналар дид билан жиҳозланган. Ўттизта янги иш ўрни яратилган хусусий шифохона таъсисчиси "Ҳаёт нано мед сервис" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аброржон Мамажоновнинг айтишича, бино қурилиши учун уч миллиард сўм маблағ сарфланди. "Микрокредитбанк" туман бўлимидан кредит сифатида олинган бир миллиард сўм эса замонавий тиббий техника воситалари харид қилишга йўналтирилди.

Фақат бу эмас, яқинда Наманган шаҳрининг Давлатобод туманида "ОСУ МЕД" кўз касалликлари клиникаси иш бошлади. Бу ерда 30 ўринли стационар ва амбулатория бўлимлари мавжуд. Мутахассисларнинг аксарияти Россия Федерациясининг Санкт-Петербург ва Уфа шаҳарларидаги энг яхши турдош клиникаларида қайта тайёргарликдан ўтишди. Бу жойдаги замонавий тиббиёт ускуналари ёрдамида йигирма хилдан ортиқ жарроҳлик амалиётларини бажариш мумкин.

Бундан ташқари, яқин келажакда вилоятда бир қатор истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш мўлжалланган. Улардан бири Учқўрғон туманида қуриладиган йирик диагностика марказидир. Уни барпо этишга масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Alles Saglik group" хорижий корхонаси киришади. Туркиялик ишбилармонлар мазкур объектни барпо этиш учун 5 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя сарфлашга тайёр эканликларини билдиришган.

# Изчил ислоҳотлар самараси

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Ўша кезлари одамлар ҳар қандай қийинчилик ва муаммоларга ўрганиб қолишган, изчил ислоҳотлар нима, у эл-юрт учун қандай наф келтиради, кимлар томонидан амалга оширилади каби масалаларнинг мазмун-моҳиятини англаб етмагани бор ҳақиқат.**



Негаки, узоқ йиллар давомида "Юртимизда тинчлик-осойишталик бўлса, қолган ишлар ўз изига тушаверади" деган фикр барчанинг шуурига ўрнашиб қолганди. Яшайдиган хонадонида газ ёки электр, ичимлик суви бўлмаса ҳам, ёзда тупроқ кечиб, қинғир-қийшиқ кўчалардан юрса ҳам, фарзандлари 40-50 йиллар аввал қурилган, томларидан чакка ўтиб, таъмирталаб мактаб ва боғчаларда таълим-тарбия олса-да, ҳамма бундай шароитни "тақдиримизга шундай битилган экан" деб қабул қилишга одатланганди.

Давлатимиз раҳбарининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" эълон қилинганда ҳам дастлабки кезларда бу муҳим ҳужжат Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқларнинг бундан кейинги тақдири ва келажагини ҳал этишини кўплар хаёлига келтирмаганди. Аммо ҳеч қанча вақт ўтмасдан, мазкур ҳужжатга асосланган давлат дастури қабул қилиниб, жамиятимиздаги барча соҳаларда ёппасига ишга киришилди.

Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида ижтимоий соҳаларни қарор топтириш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган асосий вазифаларни амалга ошириш белгиланган бўлиб, шу соҳада пойтахт вилоятининг Бўка туманида дастлабки тажриба тариқасида ишлар бошлаб юборилганига ҳам уч йилдан ошяпти. Аввало айтиш жоизки, энг салоҳиятли ҳисобланган вилоятда айнан шу ҳудудга алоҳида эътибор қаратилганининг боиси бор. Ислоҳотлар ташаббускори ўша даврда туманда бўлганида ҳудудни тубдан янгилаш, аҳолига қулай шароитлар яратиб, қишлоқларда кичик саноат корхоналарини барпо этиш, ёшларни тадбиркорликка ўргатиш, мактаб ҳамда мактабгача таълим ташкилотларини замонавийлаштириш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берганди.

Мана, орадан шунча вақт ўтди, тажриба жараёнида қандай ўзгаришлар юз берди, бир умр агросаноат мажмуи билан банд бўлган одамлар ўтказилаётган ислоҳотларни ҳис этишаяптими, бунда уларнинг дахлдорлиги ва муносабати қандай деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бу жиҳатдан айтса арзигулик ишлар жуда кўп. Биринчи навбатда 42 та маҳаллаларда яшовчилар учун зарур шароитлар яратилди. Йиллар давомида, ҳатто қум кўрмаган тупроқ кўчаларга асфальт ётқизилиб, ичимлик суви, газ ҳамда электр энергияси таъминоти йўлга қўйилди. Мактабларнинг аксарияти реконструкция қилинди, қўшимча синфхоналар, 5 та янги мактаблар қуриб, фойдаланишга топширилди. Эндиликда ҳар бир маҳалла ўзининг замон талабидаги идораси, қишлоқ врачлик пункти, мўъжазгина бўлса ҳам кутубхона ҳамда маданият масканига эга. Барча масалалар шу жойнинг ўзида ечим топаётганидан одамлар мамнун. Катта-кичик бўш вақтида кутубхонага ташриф буюришга одатланган.

Бир пайтлар қишлоқ хўжалиги экинларини экиш ва етиштиришдан бошқа ишга ўрганмаган фуқаролар замонавий касб-ҳунарларга ўқитилиб, давлатимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қонунлари шарофати билан қишлоқларда турли соҳалардаги ихчам ва кичик саноат корхоналарини қуриб, ўзи, оиласи ҳамда ўнлаб маҳалладошларини иш билан таъминламоқда. Бу жиҳатдан, айниқса, ёшларнинг ишбилармон ва ташаббускорликлари барчага маъқул бўляпти. Уларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида кейинги уч йил оралиғида туман бўйича 40 тадан ортиқ кичик саноат корхоналари ўз фаолиятини бошлади. Натижада маҳаллалар кесимида саккиз юздан зиёд доимий иш ўринлари шаклланди.

Кам таъминланган, оиласида ногирони бор, кўп болали ва камбағал мақомини олганлар мазкур ҳудудни ҳам четлаб ўтмаганди. Уларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимояга олиб, шароитлар яратиб бериш мақсадида юритилаётган "Темир дафтар"нинг ташкил қилингани бу борадаги муаммога мутлақо барҳам берди. Чунончи, ўтган йили бундай хонадондагиларнинг хоҳиш-истагига қараб, бир нечта оилага чорвачиликни ривожлантиришга имконият қилинди, 34 та хонадонда иссиқхоналар қурилди, 20 та оилага эса чеварчилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланишлари учун шароитлар яратиб берилди. Эндиликда улар ўз иш ўрнига эга, ўзгаларнинг кўмагига муҳтожлик сезаётгани йўқ. Ҳар бири маҳсулот етиштириб, энг аввало оиласини таъминлаяпти, ортганини эса бошқаларга улашяпти. Уларнинг барчаси давлатимизда инсон манфаатлари ҳар нарсадан устуворлиги учун миннатдор бўлиб, бугундан кўра эртага янада яхши яшашга интилишмоқда.

Таъкидланганидек, Президентимиз Бўка туманига ташрифи чоғида бошқа масалалар қаторида, мактабгача таълим ташкилотларидаги аҳволга алоҳида тўхталиб, келажагимиз ворислари бўлган кичкинтойлар учун зарур шароитлар яратиш, янги замонавий боғчалар қуриш ва эскирганларини реконструкция қилиш, ушбу тизимда давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш зарурлиги юзасидан таклифларини айтганди.

Шундан сўнг республика миқёсидаги соҳага дахлдор идора ва ташкилотлардан мутахассислар келиб, тумандаги мутасаддилар билан ҳамкорликда ишга киришилди. Мавжуд боғчаларни таъмирлаш ва янгиларини қуриш бўйича лойиҳа-сметалар тайёрланиб, ҳар бирининг бажарилишига аниқ муддат қўйилди. Режа ва мақсадли ишга киришилса, сифат ҳамда самараси ҳам шунга лойиқ бўлишини бугун тумандагилар яна бир бор ҳис этишмоқда. Чунки ўтган уч йил оралиғида нафақат марказдаги, балки туманнинг чекка ҳудудларидаги 15, 16 ва 9-мактабгача таълим ташкилотлари сингари 17 тасида мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда бу жойларда юзлаб болажонлар таълим-тарбия олишяпти.

Коронавирус пандемиясига қарамай, якунланган йилда ҳам бу ишлар бардавом эттирилиб, янги қурилаётган боғчалардан иккитаси фойдаланишга топширилди. Яна биттаси, бу марказда бунёд этилаётган 3-таълим ташкилоти жаҳон стандартларига тўла мослаштириляпти. Айтиш жоизки у, нафақат, Бўкада, балки вилоятда ҳам ҳозирча ягона ҳисобланади. Лойиҳа қиймати 19 млрд сўмга эга ушбу маскан 450 нафар кичкинтойларни ўз бағрига олишга мўлжаллангани билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Шу кунларда "Капитал қурилиш-таъмирлаш" МЧЖ жамоасининг бунёдкорлари биноларнинг ташқи ва ички қисмларида пардозлаш ишларини олиб боришяпти. Лойиҳа бўйича кичкинтойлар дам олиши, ўқиш ҳамда ёзиш кўникмаларини шакллантириши учун замон талабига мос шароитлар қилинган. Булардан ташқари, ёпиқ турдаги сузиш ҳавзаси, спорт зали, алоҳида ювиниш хоналари ҳам мавжуд. Бунёдкорларнинг айтишларича, ушбу таълим ташкилоти шу йил Наврўз – умумхалқ байрами арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Яқин орада боғча ишга тушса, биринчи галда болажонлардан иборат гуруҳлар билан ишлайдиган тарбиячи ва педагогларни танлаш лозим. Бу масала туманда аллақачон ечим топган. Зарур мутахассислар қайта малака ошириб, керакли методик қўлланмалар билан таъминланган.

Мақола аввалида кўплар қатори бўкаликлар ҳам ислоҳот ва унинг мазмун-моҳияти нималарга қаратилганига унчалик тушиниб етмаганлигини очиқ эътироф этгандик. Бугун бу борадаги қурилиш, ободонлаштириш, муҳтож ҳамда ёш оилаларни арзон уй-жой билан таъминлаш, юзлаб ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилиши, қарияларга, ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, қўйингки, жамиятимиздаги барча жабҳаларда бўлаётган туб бурилишларнинг негизида биринчи галда халқимиз манфаати, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ётганини бу жойдагилар туман иқтисодиётининг ўсиши, турмуш фаровонлигининг кун сайин ортиши, ишлаб чиқариш манбалари кўпайиши мисолида чин дилдан ҳис этишяпти. Ўзлари ҳам давлатимиз раҳбарининг ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлаб, келажагимиз бундан-да фаровон бўлиши, фарзандлари баркамол ўсиши учун меҳнат жабҳаларида фаоллик кўрсатишяпти.

# Масъулият ҳисси ошмоқда

**Наталья ПЕТРОВА,**
Каттақўрғон шаҳридаги
12-умумтаълим мактаби директори.

**Мамлакатимизда халқ таълими тизими ҳамма вақт давлат тараққиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу фикр яна бир марта ўз ифодасини топди.**

Бугун янгиланаётган Ўзбекистон, юксак чўққилар сари илдамлаётган юртимизда таълим-тарбия соҳасининг алоҳида ўрни бор. Зеро, кенг дунёқараш, етук билим ва салоҳиятли йигит-қизлар билангина келажакка дадил интилиш, юқори марраларни кўзлаш мумкинлигини эсдан чиқармаслик керак.

Давлат раҳбари ушбу долзарб масалага жиддий ёндашган ҳолда тизимни тубдан ривожлантириш бўйича қатор ташаббус ва таклифларни ўртага ташлади. Мактабларни замон талабига мослаштириш, ўқитувчи обрўсини янада ошириш, таълим сифати ва самарадорлигини кўтариш бўйича режалаштирилаётган ишлардан халқимиз мамнун бўлмоқда.

Биз ўқитувчи, устозларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан чексиз фахрланамиз, албатта. Бу эса зиммамизга ана шу талаб ва эъзозга яраша меҳнат қилиш масъулиятини юклаши шубҳасиз. Шундай экан, мактаб остонасидан пухта билим ва маърифат эгаларини, жисмонан, маънан соғлом инсонларни, замонавий касб эгаларини, аждодларга муносиб асл фарзандларни тарбиялаб, катта ҳаёт сари йўллашдек шарафли ишдан сира чарчамаймиз.

# «Ақтерек»да янги МТТ очилди

**Нукус туманидаги энг олис ҳудудлардан бири ҳисобланган «Ақтерек» маҳалла фуқаролар йиғинида 60 ўринга мўлжалланган 14-сонли мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Унинг очилиш тадбирида мутасадди ташкилотлар вакиллари, жамоатчилик ва ҳудуд аҳолиси иштирок этди. Бинонинг қурилишига 600 млн сўм маблағ сарфланди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Натижа ва режалар

**Умида МУРОДХОНОВА.**

**Мамлакатимизда электр энергияси тармоғини ривожлантириш, уни узлуксиз ишлаб чиқариш, хусусан, гидроэнергетика соҳасида янги ГЭСларни ишга тушириб, мавжудларини модернизация қилиш борасида соҳадаги ягона мувофиқлаштирувчи ташкилот, "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.**

2017 йил 18 майдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори асосида ташкил этилган жамият таркибида дастлаб 37 та гидроэлектр станцияларидан иборат 15 та корхона бўлган. Уларнинг умумий қуввати 1 854 МВтни ташкил этган. Мазкур жамият ташкил этилгандан буён тасдиқланган дастурлар доирасида янги ГЭСларни қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича қатор истиқболли лойиҳалар изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йилда республикада биринчи марта Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида қуввати 750 кВт бўлган шамол электрстанцияси фойдаланишга топширилди. 2018 йилда Жиззах вилоятининг Зомин сув омборида 200 кВт қувватга эга микро ГЭС қурилди. Бу борадаги ишлар 2019 йилда ҳам давом эттирилиб, Тошкент вилоятидаги "Туябўғиз" сув омборида лойиҳа қуввати 11,4 МВт бўлган янги ГЭС фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Наманган вилоятидан ўтувчи "Катта Фарғона" каналида қуввати 12,0 МВт бўлган кичик ГЭСлар каскадини қуриш ишлари муваффақиятли якунланди.

Кейинги йилларда "Шаҳрихон ГЭСлар каскади" УКга қарашли ЖФК-1 ва ЖФК-2 гидроэлектр станциялари, "Қодирия ГЭСлар каскади" УК таркибидаги ГЭС-3, "Қуйи Бўзсув ГЭСлар каскади" УК таркибидаги ГЭС-14 ва "Тошкент ГЭСлар каскади" УК таркибидаги ГЭС-9 да олиб борилган модернизация ишлари муваффақиятли якунланди. Биргина ўтган 2020 йилда 6 та янги қурилиш ва модернизация лойиҳалари фойдаланишга топширилиб, умумий қуввати 118,3 МВтга эга лойиҳаларнинг ижроси натижасида аҳоли истеъмоли учун қўшимча электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Бунинг самарасида қўшимча 543 млн кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилишига эришилди.

2021 йилда ҳам жамият жамоаси бир қатор вазифаларни белгилаб олди. Жумладан, 16 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган бўлиб, уларнинг умумий қуввати 993,0 МВтга тенгдир. Шунингдек, 2022 йилда умумий қуввати 931,2 МВт бўлган 15 та лойиҳа, 2023 йилда эса қуввати 1 002,2 МВтдан иборат 18 та инвестиция лойиҳаларини ҳаётга жорий этиш режалаштирилган.

"Ўзбекгидроэнерго" АЖ ижро аппарати тизимида ўтган йили "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари" бўлими ташкил этилиб, дунёнинг етакчи "тўртлик" аудиторлик ташкилотларига кирувчи "PricewaterhouseCoopers" халқаро аудиторлик уюшмаси билан ҳамкорликда халқаро стандартлар талабларига биноан аудиторлик текширувидан ўтказилди. "Fitch Ratings" халқаро рейтинг агентлиги жамиятнинг барча жиҳатларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилди.

Фаолият юритаётган минглаб ишчи-ходимларнинг меҳнати самараси ва рейтинг таҳлиллари натижасида жамият республикадаги ишлаб чиқарувчи корхоналар орасида биринчилардан бўлиб "Fitch Ratings" халқаро кредит рейтингининг "B+", яъни барқарор даражасини қўлга киритди. Мазкур рейтинг даражаси, "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамиятини жаҳоннинг машҳур инвесторлар бозорларига бизнес стратегиясига, шаффоф молиявий ҳисоботларига ва кучли корпоратив бошқарув тизимига эга биринчи ўзбек ишлаб чиқарувчи корхонаси сифатида танилишига ёрдам берди.

Бу эса жамиятнинг иқтисодий барқарорлигини янада оширишга хизмат қилиб, инвестиция лойиҳаларини жорий этишда хорижий кредитларни давлат кафолатисиз тўғридан-тўғри инвестиция маблағларини жалб қилиш имкониятини беради. Эътироф этиш керак, бу каби ишлар самарасида мамлакатимизда янги гидроэнерго тизимини шакллантириш имконияти пайдо бўлди ва бу республика иқтисодиётининг муҳим пойдевори ҳисобланган электр энергияси тизимида янги қувватларнинг янада ортишига хизмат қилади.

# “Kim oshdi savdo servis” МЧЖ

## нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

**2021 йил 26 февраль куни Урганч шаҳри, Шерозий кўчаси, 12-уйда бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига “Урганч ёғ-мой” АЖнинг 2021 йил 18 январдаги 1-сонли яккабошчилик асосидаги ижроия орган раҳбари ва мутахассис ходимларининг кенгайтирилган йиғилиш баёни қарори ва “Урганч ёғ-мой” АЖнинг 2021 йил 25 январдаги 7-113-сонли хатига асосан Урганч шаҳри, Саноатчилар кўчаси, 2-уйда сақланаётган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

1. 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 966 ЕА бўлган “Arion-630c” русумли трактор, **бошланғич баҳоси** – 387 079 812 сўм.
2. 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 974 ЕА бўлган “К-701” русумли юклагич, **бошланғич баҳоси** – 34 964 122 сўм.
3. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 953 АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 8 100 000 сўм.
4. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 954 АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 8 100 000 сўм.
5. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 955 АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 6 480 000 сўм.
6. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 956 АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 6 480 000 сўм.
7. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 979 АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 8 100 000 сўм.
8. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 980 АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 8 100 000 сўм.
9. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 963 АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 8 100 000 сўм.
10. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 964 АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 8 100 000 сўм.
11. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 981 АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 8 100 000 сўм.
12. 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 982 АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 8 100 000 сўм.
13. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 969 АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 8 100 000 сўм.
14. 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 970 АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 6 480 000 сўм.
15. 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 971 АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 4 860 000 сўм.
16. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 973 АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 8 100 000 сўм.
17. 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90974АА бўлган “2-ПТС-4-793” русумли тиркама, **бошланғич баҳоси** – 8 100 000 сўм.
18. 2017 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгисиз “лп-5м” русумли лазерный планировщик, **бошланғич баҳоси** – 111 577 500 сўм.
19. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган “ПОН-3+1” русумли плуг, **бошланғич баҳоси** – 41 098 590 сўм.
20. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган чизель, **бошланғич баҳоси** – 4 151 655 сўм.
21. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган скрепер-планировщик, **бошланғич баҳоси** – 3 503 545 сўм.
22. Ишлаб чиқарилган йили номаълум бўлган СЧХ-4Б русумли Чигит экиш сеялкаси, **бошланғич баҳоси** – 6 502 615 сўмдан.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 10 (ўн) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт.

Ихтиёрий қўшимча хизматлар (ахборот ва маслаҳат хизмати) кўрсатиш учун тўлов олинади.

Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

**Тўлов учун реквизитлар:** ҳисоб рақами 2020 8000 0049 5964 3001 АТИБ «Ипотека-банк» Тинчлик филиали МФО 00580 СТИР 302 221 689.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 5 (беш) кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш юклатилади.

Ушбу мол-мулклар 2021 йил 26 февралдаги очиқ аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2021 йил 5 март кунигача расмий иш кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Шунингдек, ушбу кундаги савдога Хоразм вилояти ҳокимлигининг молия бош бошқармаси томонидан 2020 йил 31 декабрдаги DH72732214-сонли хати, Шовот тумани молия бўлимининг 2021 йил 6 январдаги 2-сонли баёни ва Шовот тумани ҳокимлигининг молия бўлимининг 2021 йил 22 январдаги W105473861-сонли хатига асосан Шовот тумани, Туркистон кўчасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси қуйилади:

2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 90 517 QAA бўлган “ГБАСПГ Нексия” русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич баҳоси** – 23 019 574 сўм.

**Аукцион савдосида иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– **жисмоний шахслар** – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома.

Ушбу савдода қатнашиш истагида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, «Kim oshdi savdo servis» МЧЖ ҳисоб рақамига 50 (эллик) фоиз гаров пули тўлаган ҳолда, ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт.

